

Басмаланинг фазилати



08:00 / 01.05.2020 1649

Абу Муовия Ғулбий қурайшлик бир кишидан ривоят қилади: «Вухайб ибн Вирд Тува водийсида яшайдиган Муҳаммад ибн Мункадирни кўргани келди. Вухайб ибн Вирд беморнинг пешонасига қўлини қўйиб, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», деди. Кейин «Агар инсон бу сўзларни чин дилдан тоққа қараб ўқиса, улкан тоғ бу сўзларни кўтара олмай, чангдек йўқ бўлиб кетарди», деди».

Вухайб ибн Вирд айтади: «Бир кишига: «Ухламайсанми?» дейишган эди, «Қуръони Каримнинг ажойиб маънолари уйқумни қочириб юборди», деб жавоб берди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан